

# ГЕОГРАФИЯ:
## ТАРИХ, НАЗАРИЯ, МЕТОДЛАР, АМАЛИЁТ

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ВА
ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Тошкент, 26-27 март 2010 йил*

либо товар вызывает производственный спрос на ресурсы и последующий рост цен на них. Если бы часть ресурсов до этого была бы не задействована, то они могли бы вовлекаться в производство при уже действующих ценах. Но рост спроса при полной загруженности мощностей и занятости не подкрепляется эластичным расширением предложения, поэтому цены растут.

Государство, увеличивая военные расходы и социальные программы в период полной занятости ресурсов, неизбежно попадает в инфляционную ловушку.

Предприниматели, поднимая спрос на инвестиционные ресурсы в такой же ситуации, вызывают инфляционное движение экономики. И профсоюзы, добивающиеся роста заработной платы в экономике при ограничениях, связанных с полной занятостью, получат такой же результат.

Инфляция издержек может вызвать рост цен любого из факторов производства, будь то земля, капитал или рабочая сила. Издержки производства повышаются, затем они переносятся на цену выпускаемой продукции. Подорожавший товар оплачивается покупателем. Если для него этот товар является ресурсом для последующего производства, то издержки повышаются и у него, что заставляет предпринимателя компенсировать потери повышенной ценой. Возникает своеобразный инфляционный передаточный механизм. Инфляция издержек распространяется в стране подобно эпидемии.

Возможен и другой вариант, когда издержки растут, но в условиях насыщения рынка предприниматель не может перекрыть рост расходов повышенной ценой. В этом случае сокращается прибыль. Часть капиталов из-за падающей доходности покинет производство и уйдет в сбережения. Совокупное предложение уменьшится, что неизбежно также приведет к общему росту цен.

Кроме перечисленных выше социально-экономических последствий можно добавить:

- перераспределение доходов и богатства;
- отставание цен государственных предприятий от рыночных,
- ускоренную материализацию денежных средств;
- нестабильность экономической информации,
- падение реального процента,
- обратную пропорциональность темпа инфляции и уровня безработицы.

Инфляция представляет собой опасность для экономического развития в силу ее агрессивности, которая связана с ее самовоспроизводством. Она начинает сама себя подхлестывать, увеличивая инфляционную волну.

Инфляция считается опасной болезнью рыночной экономики не только потому, что она быстро распространяется. Ее очень трудно устранить, даже если исчезают вызвавшие ее причины. Это связано с инертностью психологического настроя, который сформировался ранее. Пережившие инфляцию покупатели еще долго совершают покупку "на всякий случай". Адаптивные инфляционные ожидания сдерживают выход страны из инфляционных рисков, так как они вызывают ажиотажный спрос, а он поднимает планку товарных цен.

## БАХМАЛ ТУМАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЕОГРАФИК МУАММОЛАРИ

*Усмонов М., Туйчиева Н., Маматов О.*
*Жиззах Давлат педагогика институти*

Кейинги йилларда, Жиззах вилоятининг халқ хўжалиги бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиёт тармоқларини янада эркинлаштириш хисоби

... ривожланиш йўлидан бормоқда. Шу билан бирга вилоятнинг турли хил ландшафт шаклларидан (тоғ, тоғ олди, текислик, чўл) иборат эканлиги ҳудудий меҳнат тақсимотининг ҳар тамонлама ривожлантиришга қулайлик яратади. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида табиий ва меҳнат ресурсларига нисбатан бой бўлган Бахмал тумани алоҳида ўринга эга. Туман 1943 йили 8 майда ташкил этилган бўлиб, вилоятнинг жанубий-шарқий, тоғли ҳудудида жойлашган. Майдони 1860 кв.км., ёки вилоят майдонининг 8,8 фоизига тенг. Туманда 2009 йил маълумотларига кўра, 124,2 минг киши- вилоят аҳолисининг 12,4 аҳолиси яшайди.

Бахмал тумани вилоятнинг ҳудудий меҳнат тақсимотида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати маҳсулоти, қурилиш саноати хомашёси ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда бой рекреация ресурслари билан алоҳида ажралиб туради. Туман Ғаллаорол, Зомин, Жиззах туманлари ҳамда Самарқанд вилояти ва Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти билан чегарадош. Транспорт географик жиҳатидан туман вилоятнинг асосий коммуникациялари - темир ва автомобил йўлларидан чеккароқда жойлашган. Бахмал тумани турли хил табиий бойликларга эга. Ҳудудда Оқтош ва Узунсой мармар конлари, гипс ишлаб чиқариш учун хомашёнинг кўплиги, рекреация ва туризм ресурсларининг борлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Туманнинг демографик салоҳияти ҳам анча катта, 7 та шаҳар посёлкалари ва 106 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Аҳоли жойлашувининг ўртача зичлиги 1 кв.км. га 68 киши, вилоятнинг бу борадаги кўрсаткичидан анча юқори. Туман аҳолиси 2003-2009 йиллар оралигида 128,3 фоизга ўсган. Охирги йиллардаги табиий кўпайишнинг бирмунча қисқариши эса, асосан туғилиш кўрсаткичларининг пасайганлиги сабабли юзага келмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, тумандаги меҳнат ресурслари сони 62,5 минг кишини ташкил қилади ва уларнинг асосий қисми, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан банд.

Туманнинг 2009 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатларини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.(2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида) Жадвал вилоят статистика ахборотномаси асосида тузилган.

| Саноат маҳсулоти | қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | қурилиш ишлари | Чакана савдо айланмаси | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш |
|---|---|---|---|---|
| 101,1 | 105,1 | 105,7 | 117,1 | 117,3 |

Бахмал туманининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таҳлили натижасида қуйидаги натижалар қайд қилинганлиги аниқланди. Масалан, 2009 йили туманда 24,7 минг тонна бошоқли дон, 200 тонна полиз маҳсулотлари, 12,2 минг тонна картошка, 25,0 минг тонна мева ва узум етиштирилган. Чорвачилик маҳсулотларидан 19,1 минг тонна гўшт, 59,8 минг тонна сут ва 7686 минг дона тухум ишлаб чиқарилиб жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 101,1 фоизга ўсган бўлса, аксинча истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2008 йилга нисбатан 82,7 фоизни ташкил қилган.

Туман тоғли ҳудудда жойлашганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинлари учун вегетация даври нисбатан қисқароқ, агроиқлимий ресурслари маълум маънода чекланган. Бундай ҳолат, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган туманда экинларни жойлаштиришда алоҳида ёндошувни талаб қилади. ... мавжуд агроиқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ҳисобга олган ҳолда ... турлари ва навларини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг фикрича, туман хўжаликларининг худудий жойлашувидаги табиий тафовутларини инобатга олган ҳолда картошкачилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Охирги йилларда ҳудудда бўлиб кузатилаётган иқлимий ўзгаришларни деҳқончиликда, жумладан туман учун муҳим бўлган боғдорчиликдаги таъсирини камайтириш учун, кўп йиллар давомида маҳаллий халқ томонидан қўлланиб келаётган агротехник тадбирлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Масалан, машҳур беш юлдуз навли олма дарахтларини қишнинг чилласида ҳовуз суви билан суғориш лозим, бу тадбир агар кунлар эрта баҳорда муддатидан илгари исиб кетса дарахтлар кечроқ уйғонишига ёки ҳарорат йиллик меъёридан паст бўлиб қолган тақдирда дарахтларни совуқ уриб кетишидан асрайди. Бизнинг фикримизча, боғ барпо этиш учун географик қулай жой танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, қуёшнинг ҳаракати шарқдан ғарбга йўналганлиги боис, дарахт экилган ариқлар шимолдан жанубга томон чўзилган бўлиши керак, шунда ҳамма дарахтлар қуёш радиациясидан бир хил баҳраманд бўлади. Бу эса тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳар туп олмадан олинадиган ўртача ҳосилдорликни 5-6 кг.га кўпайтириш имконини беради.

Бахмал туманида озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш учун ҳам катта имкониятлар бор. Мавжуд саноат корхоналаридан ташқари хўл меваларни қайта ишлайдиган, айниқса замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган кичик бизнес субъектлари барпо этилса, аҳолига янги иш ўринлари, маҳаллий бюжетга қўшимча даромад келтириши аниқ. Бу соҳада ҳозирги кунда туманда ўнга яқин саноат корхоналари мавжуд, аммо уларни ишлаш самарадорлиги паст. Шу сабабдан уларга ҳар томонлама кўмаклаш, қулай инвестицион муҳит яратиш, ҳар қандай маъмурий тўсиқларга барҳам бериш бугунги кун долзарб масаласи ҳисобланади.

Бахмал тумани асосан тоғли ҳудудда жойлашганлиги боис яйлов чорвачилигини ривожлантириш учун ҳам қулай имкониятлари бор. Табиий шароитга мослаша оладиган гўшт ва сут учун мўлжалланган наслдор қорамол ва гўшт ҳамда жун учун зотдор қўйларни парваришлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, кўп йиллар давомида гўшт учун парвариш қилинган ва халқ орасида "Сантак" номи билан танилган, аслида АҚШ дан келтирилган Санга-гетруда қорамол зотларини қайта тиклаш ва бу соҳага ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш яхши самара беради.

Бахмал тумани учун яхши даромад келтирадиган соҳалардан яна бири рекреация ресурсларидир. Хусусан, экотуризмни ривожлантириш, қишлаб дам олиш масканларини барпо этиш учун, асл ҳолатида сақланаётган экосистемалар, арчазорлар, зилол сувлар, тоза ҳаво ва хушманзара табиат гўшалари яхши имконият беради. Бу соҳадаги асосий муаммо, туристларга сервис хизматини кўрсатадиган соҳаларни ривожлантиришдан иборат.

Шундай қилиб, Бахмал туманини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун устувор йўналишларини белгилаб олиш, ижобий ва салбий ҳолатларни мувофиқлаштириш асосида, туманнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш ҳамда ҳудуддаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

### Адабиётлар


1. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 30-жилд. Тошкент, 2008
2. Ҳакимов К., Гудалов М. Жиззах вилояти географияси. Жиззах-2004
3. Жиззах вилоятининг статистик ахборотномаси. Жиззах-2010.

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА УНИНГ ГЕОГРАФИК АҲАМИЯТИ

***Ҳамидова М.***
***Ўзбекистон Миллий университети***

Буюк ипак йўли – инсоният ривожланиши тарихида давлатларнинг савдо-сотиқ, маданий қадриятларининг алмашинишига, илм-фаннинг ривожланишига сабаб бўлган ўзига хос ходисадир.

Буюк ипак йўли бошланиши эрамиздан аввалги II-асрларга тўғри келиб, бу номи эса ўша даврларда ипак матосининг ноёб ва қимматбаҳо бўлганлиги билан боғлиқдир. Масалан, ўрта асрларнинг дастлабки даврларида ипак энг қадимги ҳисоб-китоб бирлиги бўлиб, ҳатто тиллани сиқиб чиқарадиган даражада эди. Суғдиёнада бир тошнинг нархи 10 та ипаклик кийим билан тенглаштирилган.

Милоддан аввалги II-асргача ҳам Ғарб билан Шарқ ўртасида Ўрта Осиё карвон йўллари орқали амалга оширилган алоқалар мавжуд бўлган. Марказий Осиёдан Эронга, Месопотамияга ва ҳатто Мисрга лазурит тоши етказиб бериладиган "лазурит йўли", Яркент ва Шимолий Хитой худудларини боғлаб турувчи "нефрит йўл" лари мавжуд бўлган. Бундан ташқари Олд Осиё мамлакатларига Суғдиёна ва Бақтриядан ақиқ тошлари, Хоразмдан эса феруза тошлари олиб келтирилган. Бунга тоғли Олтойдан Нефриқ топилаги, кичик Осиёдан тайёрлашган буюмлар Афғонистон ва Ўрта Осиёдан ишланган юнон буюмлари мисол бўлиши мумкин. Буюк Ипак йўлининг шарқий қисмини барпо этишда суғдийлар катта рол ўйнаганлар. Искандар Македонский томонидан Суғдиёна мамлакати истило этилиши билан кўплаб суғдийлар шарққа томон кўчганлар ва Буюк Ипак йўлининг марказий қисмини Ўрта Осиёдан тортиб Хитойнинг Чаньан шаҳригача бўлган оралиқ масофада савдо факторияларини бунёд этганлар.

Йўлнинг Ўрта Осиё қисми Ариядан бошланган. Ариядан йўл шимолга Маргиёнадан Антиохияга кетган, сўнгра шарққа бурилиб Бақтрияга борган. Бу ердан йўл шимолий томон йўналиб Термиз атрофида Амударёдан ўтилган ва сўнгра икки томонга кетилган. Биринчи йўналиш шимол бўйлаб, Темир дарвоза орқали Мароқандага, у ердан Фарғонада кетилган. Иккинчи жанубий йўналиш эса Сурхондарё водийси бўйлаб кўчманчиларнинг тоғли ўлкасига олиб борган. Ҳар иккала йўналиш ҳам Тошминорга олиб борган. Тошминордан сўнг йўл Ўрта Осиё ҳудудидан ташқарига чиққан, Такла-Макон чўлидан ўтиб Дунхуанга, сўнгра Хитойнинг қадимги пойтахти – Чаньанга олиб борган. Бу ердан йўл эҳтимол шимолий ғарбга Корея ва Японияга кетган бўлса керак.

Буюк ипак йўлидан нафақат қадрли бўлган ипак балки, Марказий Осиёдан Хитойда жуда қадрланган отлар, туялар, ҳарбий анжомлар ва қурол яроғлар, олтин ва кумуш, ярим қимматбаҳо тошлар ва шиша буюмлар, тери ва жун мўйналар, гиламлар-у [illegible] матолар, ўзига хос антиқа мевалар-тарвузлар, қовунлар ва шафтолилар, қоплонлар ва арслонлар олиб чиқиб сотилар эди. Хитойдан карвонлар чинни ва метал ойналарини, лакланган буюмлар ва пардоз-упаларини, чой ва гуручни олиб келишар эди.

Буюк ипак йўли орқали нафақат савдо моллари балки, маънавий ютуқлар, маданий қадриятлар, диний ғоялар ҳам тарқалиб борган.

Ушбу карвон йўлларини биринчи бўлиб венециялик савдогар Марко Поло "ипак йўли" деб номлаган эди, у европаликлардан биринчи бўлиб Хитой империясининг [illegible]ларига етган. "Буюк ипак йўли" атамасини немис тадқиқотчиси Фердинант Рихтгофен 1877- йилда ўзининг "Хитой" номли асарларида биринчи бўлиб қўллаган.

Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган бу беқиёс буюк йўлни бунёд этган халқларнинг [illegible] бир хотираси қадимий Ўзбекистон шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива, [illegible], Термиз, Тошкент шаҳарлари бўлиб, уларнинг меъморчилик ёдгорликлари [illegible] йўлининг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этади.

Буюк ипак йўли фақат карвон йўли бўлибгина қолмасдан, Евросиё халқлари [illegible]си тарихида ўчмас из қолдирган, унинг ҳар томонлама тараққий этишида